

Сийрат 171-дарс. Қуръонда моҳир киши кимлар билан бирга бўлишини биласизми?



16:30 / 04.02.2022 4754

669. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир савоб бўлади. Ҳар бир савоб эса ўн мислига кўпайтирилади. «Алиф лаам мийм»ни бир ҳарф демайман, балки «алиф» бир ҳарф, «лаам» бир ҳарф, «мийм» бир ҳарф».**

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

670. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ чиройли овозли Набийнинг овоз чиқариб Қуръонни оҳангли қилиб ўқиганига қулоқ солганчалик ҳеч бир нарсага қулоқ солмаган»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

671. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб кўтарилавер, дунёда қандай тартил қилган бўлсанг, худди шундай тартил қил. Албатта, сенинг манзилинг охириги қироат қилган оятинг маконидан бўлади»**, дейилади».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

672. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуръонга моҳир бўлган киши мукаррам, итоаткор фаришталар билан бирга бўлади. Қуръон ўқиганда қийналиб ўқийдиганга икки ажр бордир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан